



ТАБРИК

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташкил топганига 30 йил тўлди!

Қадри партиядошлар, хурматли фаоллар ва партиямизга хайрихоҳ дўстлар!

Барчангизни жонажон партиямиз – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташкил этилганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Ўтган 30 йил давомида партиямиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, республикада демократияни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қурилишини такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида салмоқли ютуқларга эришди. Бу муваффақиятларда партиямиз фаолларининг бирдамлиги, ташаббускорлиги ва фидойилиги муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда миллиондан ортиқ аъзоларимиз — партиямиз таянчи, гоъларимизни амалга оширишдаги энг муҳим кучимиздир.

Шу ўринда партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларига, партия Сиёсий Кенгаши аъзоларига, партиямизнинг асосини ташкил этувчи бўгин — бошланғич партия ташкилотларидан бошлаб, туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари ва Марказий аппаратда фидойилик билан меҳнат қилаётган партия ходимларига, шунингдек, бир миллион бир юз минг нафардан зиёд адолатпарвар электратимизга чуқур миннатдорлигимни билдираман!

Партиямизнинг бугунги нуфузи, салоҳияти – бу, энг аввало, сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз ва фидойилигингиз самарасидир.

Бугун ҳар биримизнинг қалбимизда ўзгача фахр, адолатни таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва фаровонлик йўлида мамлакатимиз тарққийти учун янада кўпроқ хизмат қилиш мақсади мужассам. Ушбу эзгу мақсад йўлида ҳар биримиз бор имкониятимизни сафарбар этишимизга, халқимиз ишончига муносиб бўлишимизга ишонаман.

Қадри партиядошлар!

Шундай файзиёб кунда барчангизни яна бир бор қутлаб, Ватанимизга тинчлик, хонадонларингизга тотувлик, келгуси фаолиятингизда мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват, омад ва зафарлар ёр бўлишини тилайман!

Адолат доим ҳамроҳингиз бўлсин!

Байрам муборак, азизлар!

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

Фракция йиғилиши

ЛОЙИХАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги боسقичга олиб чиқиш ҳамда аҳоли жисмоний фаоллигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ворислик анъаналари давом этади



Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика Олий Мажлисида янги қонунлар ишлаб чиқиши ва халқнинг сиёсий иштирокини, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўп ишлар қилиниши зарур эди. Ана шу жараёнда Пўлатжон Шаропов "Адолат" партиясининг вакили сифатида фаол иштирок этди.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 7 (1524) 2025-YIL 21-FEVRAL, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



Жорий йилнинг 20 февраль куни Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги XV пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2024 йилга белгиланган чора-тадбирлар режаси ижроси муҳокама қилиниб, шунингдек, "Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт йили" да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиқадиган 2025 йилда партия ва унинг фракцияси амалга ошириши режалаштирилган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг XV пленуми бўлиб ўтди

Пленумда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.



ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРГА ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

2025 йил 14 февралда Президентнинг ёшлар билан ўтказилган очиқ мулоқоти юзасидан

- ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ** УНГА **100** МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТИЛАДИ
- ТАДБИРКОР ЁШЛАРГА** 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилади.
- ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИНГ СТАРТАП ЛОЙИХАЛАРИГА** 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилади.
- Олийгоҳ битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.
- Бу мақсадлар учун Миллий банкка **100** миллион доллар ресурс берилади.
- Алоқабанк ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи таянч **"ЁШЛАР БАНКИ"ГА** айлантирилиб, унга **200** миллион доллар ажратилади.
- Банк ўзини ўзи банд қилган ёшлар лойиҳалари учун **100** миллион сўмгача 7 йил муддатга имтиёзли микроқарз ажратади.
- Камида **20** нафар ёшни ишга олиб,
- кичик корхона очган ва ўқув маркази ташкил қилган ёш тадбиркорларга **7** йил муддатга **15** млрд. сўмгача имтиёзли кредит берилади.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН С1 ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ЁШЛАР ОЛИС ВА ЧЕККА ХУДУДЛАРДА ЧЕТ ТИЛЛАРИГА ИХТИСОСЛАШГАН ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИНИ ОЧСА

УЛАРГА 120 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ФОИЗСИЗ СУДА БЕРИЛАДИ.

Хусусий ўқув марказларида хорижий тилларни ўрганадиган ёшларга ўқув харажатларининг дастлабки **2** ойи ўқувчиларнинг ўз маблағидан, қолган **6** ойи давлат ҳисобидан тўлаб берилади.

"БИР МИЛЛИОН ДАСТУРЧИ" ЛОЙИХАСИГА ҚЎШИМЧА 300 МИНГ ЁШЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Бирлашган Араб Амирликлари билан Ўзбекистонда "Бир миллион сунъий интеллект фойдаланувчилари" лойиҳаси амалга оширилади.

ГРАНТ КАМБАҒАЛ ОИЛАНING БИР НАФАР ФАРАНДИГА ТАЪЛИМ КРЕДИТИ ФОИЗСИЗ БЕРИЛАДИ.

ИҚТИДОРЛИ, БИЛИМГА ЧАНҚОҚ, ЛЕКИН ОҒИР ОИЛАВИЙ ШАРОИТИ САБАБЛИ УҚИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛМАГАН ЁШЛАРНИ ХОРИЖДА УҚИТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ – "ЕРҚИН КЕЛАЖАК" ЛОЙИХАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ.

"ЭЛ-ЮРТ УМИДИ" ЖАМҒАРМАСИ КВОТАЛАРИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

Дунёнинг нуфузли "топ-100" олимпиадаларида имтиёз даража олган **25** ёшгача бўлган ёш олимпиадага уй-жой учун **10** йил муддатга **800** миллион сўмгача фоизсиз суда ажратилади.

Нуфузли халқаро фан олимпиадаларида **ғолиб ва савриндор** бўлганлар учун бир марталик пул мукофоти миқдори **5** карра оширилади.

Ҳарбий олийгоҳларнинг намунали тингловчилари учун **"Олий беш кўмондон" давлат стипендияси** жорий этилади.

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ

1 Тadbир танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Унда партия Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова маъруза қилиб, партиянинг 2024 йилдаги асосий фаолияти “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент фармони, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”га оид Давлат дастури ҳамда партиянинг “Адолат – ҳар бир инсон учун” Сайловолди дастури асосида ташкил этилганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 2024 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутат-

“Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида маҳаллаларда партия депутатлик корпуслари иштирокида қонунлар ижросини ўрганиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, жойларда жамоатчилик билан бевосита мулоқотлар олиб бориш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 9 088 маҳалладаги 37 025 хонадон ва 6 075 та ҳўжалик юритувчи субъект ўрганилди. Аҳоли томонидан келиб тушган 7 022 та мурожаатдан 2 582 таси бўйича депутатлик сўровлари юборилиб, 2 326 таси ижобий ҳал этилди, 4 138 мурожаат ҳуқуқий маслаҳатлар орқали жойида ечим топди.



лари сайловларида партия сиёсий жараёнларга муносиб тайёргарлик кўрди. Сайлов тарғиботи жараёнида миллий, замонавий ва хорижий таъриба ўрганилди, партия экспертлари ҳамда медиа соҳаси вакиллари сафарбар этилди.

Шу мақсадда мамлакатимиз ривож ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган партия Сайловолди дастури ишлаб чиқилди. Дастур лойиҳаси жойларда партия фаоллари, депутатлар ва жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, жамиятда мавжуд долзарб муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари бўйича 30 мингга яқин таклиф йиғилди. Экспертлар таҳлилдан сўнг муҳим таклифларни дастурга киритди.

Натижада “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” деб номланган 9 та йўналишдан иборат, 200 дан ортиқ вазифани қамраб олган партия Сайловолди дастури ишлаб чиқилди.

Имконияти чекланган фуқароларни ҳам хабардор қилиш мақсадида дастур брайль алифбосида, шунингдек, ўзбек, рус, инглиз ва қорақалпоқ тилларида 30 минг нусхада чоп этилиб, сайловчиларга тарқатилди.

“Адолат” СДП қошида марказий, ҳудудий, туман ва шаҳар сайловолди штаблари ташкил этилиб, тарғибот-ташвиқот ва ташкилий вазифалар партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг чора-тадбирлар режаси асосида олиб борилади. Замонавий тарғибот воситаларини ишлаб чиқиш учун партияда студия ташкил этилиб, компьютер жамланмалари ва техник ускуналар сотиб олинди. Сайлов кампанияси даврида 2 миллионга яқин флаер, 700 та катта, 1000 та кичик баннер, 500 та махсус плакатлар дизайни тайёрланди.

2024 йил 27 октябрда ўтказилган сайловлар натижасига кўра, партия номзодларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 21 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 103 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 752 нафар депутат сайланди.

2024 йилда партия Сайловолди дастурида илгари сурилган гоълардан келиб чиқиб, Республика миқёсида 20 мингга яқин тадбирлар таш-

“Сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш – демократик жамият пойдевори” лойиҳаси доирасида Республика бўйича ҳар сешанба 1 782 та сиёсий-ҳуқуқий ўқув ташкил этилди, уларда 130 мингдан зиёд тингловчи қамраб олинди. “Биз коррупцияга қаршимиз” лойиҳаси доирасида 806 та тадбирда 50 527 нафар иштирокчи жалб қилинди.

“Адолатли жамият олимлари таянади” лойиҳаси орқали олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштироки билан партия дастури асосида 789 та тадбир ўтказилди. “Тозалик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида Республика бўйича “Энг тоза кўча”, “Энг тоза хонадон”, “Энг тоза маҳалла” номинациялари бўйича 1 734 та танлов ташкил этилди, ғолиблар партия совғалари билан тақдирланди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича 463 та тадбирда 13 481 киши қатнашди, 17 440 туп даракт кўчатлари экилди.

“Адолат” СДП “Адолатчи аёл-



лар” қаноти Кенгашлари томонидан 4 050 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, 1 миллиондан зиёд хотин-қизлар қамраб олинди.



кил этилди ва 1 миллиондан ортиқ иштирокчи қамраб олинди. Партиявий лойиҳалар доирасида барча даражадаги партия бўғинларида 5412 та тадбир ўтказилиб, уларда 243 мингдан зиёд киши қатнашди.

“Бир адолатчи – юз аёлга химоячи” лойиҳаси доирасида таъйин ва зўравонликлардан жабр кўраётган хотин-қизларни химоялаш мақсадида 1 816 мартаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 197 минг на-

учраган аёлларга “Ҳимоя ордери” олиб берилди.

3 850 нафар хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганиш учун йўналтирилди. Шу билан бирга, 18 мингдан ортиқ аёллар бепул тиббий қўриқдан ўтказилди. 2024 йил 5 февраль кунин партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат доирасида 25 мартдан 31 майгача жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида 600 га яқин туркум тадбирлар ва 670 дан ортиқ сиёсий ўқувлар ўтказилди.

“Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида партия ҳудудий Кенгашлари ва депутатлар кўмагида 1 247 нафар ишсиз хотин-қизлар ҳамда 1 263 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Бугунги кунда “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти соҳибларидан 17 нафари партия аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Ёшлар масаласи бўйича 8 500 дан ортиқ тадбирлар, 1 400 та давра суҳбати, 249 та кон-

ференция, 1 216 та семинар ва учрашувлар ўтказилиб, 882 минг ёш қамраб олинди. 1 209 та ёшлар мурожаати ўрганилиб, 1 510 нафар ёшга “Ёшлар дафтари”га киритилиш тартиби тушунтирилди, 392 нафар

либ, 3 978 нафар донор томонидан 1 тонна 706 литр қон топширилди. Бу орқали 7 956 нафар қонга муҳтож бола ҳаёти сақлаб қолинди.

2024 йил 5 декабрь кунин “Ватан келажиги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Конституция билимдони” кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди. 14 нафар ҳудудий босқич ғолиблари иштирок этиб, совриндорлар партия эсдалик совғалари билан тақдирланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурдаги Ёшлар парламентининг 24 нафар аъзоси конституциявий ислохотлар, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга оид бир қатор ташаббусларда фаол иштирок этди. Parliament.gov.uz жамоатчилик муҳокамаси порталида эълон қилинган қонунларга таклифлар бериб, ёшларни уй-жой билан таъминлаш, уларни ишсизликдан химоя қилиш механизмларини такомиллаштириш каби масалалар бўйича ташаббуслар ишлаб чиқилди.

2024 йилда маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия депутатлари 2 770 та депутатлик сўрови юбориб, 75 фойздан ортиги ижобий ҳал этилди. 1 487 мартаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. “Адолат” СДП депутатлик гуруҳлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига 339 та, доимий комиссияларга эса 874 та масала киритилди. Натижада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича

масъул шахсларга топшириқлар берилди ва ижро назоратга олинди. Пленумда 2024 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ижросида эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, 2025 йилда “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” муносабати билан партия томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, партия барча даражадаги бўғинлари, Марказий аппарат, ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлар, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда депутатлик корпусларининг масъулиятини янада ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Партия Сайловолди дастурида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш, шу жумладан, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар ва хиёбонларни хусусийлаштиришни тақиқлаш юзасидан доимий депутатлик назоратини амалга ошириш; дори воситалари нархларини суний ошириш ҳолатларининг олдини олиш; дорихоналарда рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатини қисқартириш; аҳоли бандлигини таъминлашда партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳасини кенгайтириш каби мақсадларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

– 2025 йилда биз асосий эътиборни “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури, партиянинг 2025 йилга мўлжалланган Иш режаси, шунингдек, 2025–2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури билан Ҳаракатлар дастури ижросига қаратишимиз лозим, – деди партия етакчиси Робохон Махмудова. – Яқинда бўлиб ўтган партия Ижроия қўмитаси йўғилишида 2025 йил учун Иш режа тасдиқланб, жорий йилдаги асосий фаолиятимиз мезони сифатида белгилаб олинди.

Пленумда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳисоботи ҳам эшитилди. Фракция раҳбири ўринбосари Муҳаммаджон Валиев 2024 йилда партия фракцияси томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти ва бошқа йўналишларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериб, келгуси депутатлар ҳамда партия вакиллари тизимли фаолият олиб бориши зарурлигини таъкидлади. Фракция Сайловолди дастурида белгилаб берилган гоъ ва вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир муҳим қонунлар бўйича таклифлар тайёрлаш, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими, коррупцияга қарши кураш, таълим ва тиббиёт соҳаларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фаолликни кўрсатгани қайд этилди.

Фракция томонидан ҳисобот даврида 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шундан 4 таси тўлиқ фракция ташаббуси билан, 8 таси эса шерикликда тайёрланди. Парламент назорати доирасида мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, аҳоли билан мулоқот давомида аниқланган муаммоларни ҳал этиш мақсадида бир қатор парламент сўровлари ҳам юборилди.

Пленум якунида партия ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан партия раҳбарияти томонидан қатнашчилар ва фаоллар табриқланиб, рағбатлантирилди.

Пленум кун тартибидаси барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, партия олдида турган устувор режаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Сўз Пленум иштирокчиларига:

Рўйиддин РАУПОВ,
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ:



– Пленумда партиямиз раҳбарияти томонидан кун тартибидagi биринчи масала – партиянинг 2024 йилдаги фаолияти сарҳисоби бўйича тақдим этилган маъруза ва ундаги масалаларни атрофлича муҳокама қилдик.

Таъкидлаш жоизки, партиямиз бу давр мобайнида “Адолат – ҳар бир инсон учун” Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда сезиларли ютуқларга эришди. Хусусан, партия структуралари ва депутатлик корпуслари томонидан маҳаллаларда режалар тарзда ташкил этилган учрашувлар, лойиҳалар, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, сиёсий ўқувлар партиямизнинг аҳоли орасидаги обрў-эътиборини янада юксалтирди.

Шу билан бирга, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўриш орқали партиямизнинг электрорат билан ишлаш услублари замонавий тарғибот воситалари билан бойитилгани эътиборимиздан четда қолмади. Сайлов жараёнида партиямиз ташаббуси билан амалга оширилган маълумотни кенг аудиторияга етказиш механизмлари, хусусан, ахборот технологияларида унумли фойдаланилгани партиямиз имижига ижобий таъсир кўрсатди.

Айни пайтда партия фаолиятида кузатишга қаратилган бир қатор муаммолар ва камчиликлар ҳам мавжуд эканини қайд этмоқчимиз. Жумладан, партия сафини кенгайтиришда аниқ мақсадли ёндашуви янада кучайтириш, аъзолар ўртасида партия дастурий ҳужжатларини чуқурроқ сингдириш, партия ички интизоми ва ҳисобот механизмларини такомиллаштириш кутилганидек самарали бўлмади. Шу билан бирга, аҳоли билан мунтазам учрашувлар, муносабатлар билан ишлаш жараёни янада таъсирчан шаклда давом эттириш лозимлиги намойён бўлди.

Пленумда билдирилган фикрларимиз, таклифларимиз асосида партия Сиёсий Кенгаши ва Ижроия қўмитаси томонидан келгуси режаларнинг аниқ белгилаб олиниши, камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади. Биз, партия раҳбарияти ва барча даражадаги партия бўғинлари ўзаро ҳамкорликда янада фаолроқ ишлаш учун, Сайловолди дастурида кўрсатилган устувор вазифаларни изчиллик билан амалга оширишимиз лозим.

Партия тизимини мустаҳкамлаш, аъзоларнинг сиёсий савиясини ошириш, Сайловолди дастуридаги мақсадлари ва “Адолат” тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда биз, доимо партиямизни қўллаб-қувватлашни ва бу жараёнда фаол иштирок этишни мақсад қилдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз партиямиз етакчисининг ўтган йил сарҳисоби юзасидан маърузасини қўллаб-қувватлаймиз.

Жамол КОМИЛОВ,
СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ:



– Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раҳбарининг сарҳисоби, таҳлилий ҳисоботини тингладик.

Дарҳақиқат, ҳисобот йилида партиямиз томонидан жамоатчилик назорати тартибида қўллаб долзарб масалалар бўйича депутатлар иштирокида ўрганишлар ўтказилди.

Депутатларимиз томонидан депутат сўрови тизимидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Биргина халқ депутатлари Форуми тумани

Кенгаши депутати М.Казаков томонидан депутатлик сўрови юборилиши натижасида 110 та хонадон учун “Электр таъминоти” корхонаси томонидан замонавий трансформатор ўрнатилиши ҳам депутатларимизнинг самарали фаолият юртайётганлигини далилат беради.

Депутатларимиз томонидан қўллаб шу каби ижобий ишлар қилинган бўлишига қарамай, афсуски, таҳлилларга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда фаолият юритиб келаётган депутатлик гуруҳларимизнинг барчаси ҳам фаол эмас.

Маҳаллий Кенгашлардаги айрим партия депутатлик гуруҳлари томонидан 2024 йил давомида жами 36 та масала киритилган, бўлса, баъзи Кенгашлар сессияларига йил давомида бор-йўғи 4 та ёки биттагина масала ҳам киритмаганлиги ачинарли ҳолат, албатта.

Маълумки, шу йилнинг ўзида ҳокимларнинг 33 та ваколати Кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказиш режа қилинган. Мисол учун, ичимлик суви тарифига устама, давлат объектлари ва бозорларда ижара тўловлари каби жами 7 турдаги маҳаллий йўғимлар миқдорини тасдиқлаш ваколати ҳам маҳаллий кенгашларга ўтказилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари 19 ноябрь кун Олий Мажлис Сенатининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида халқ депутатларидан ҳудудни ривожлантиришга оид дастурлардаги вазифалар ижроси бўйича депутатлик ва Кенгаш назоратини амалга оширишда фаол ва ташаббускор бўлишни кутаётганини таъкидлади.

Халқимиз томонидан билдирилган ишончини оқлаш мақсадида биз партия етакчисининг ҳисоботида қайд этилган натижаларни янада яхшилашимиз, партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бирлашишимиз лозим. Жойларда мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиб, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, сессияларида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат дастурлари ижроси билан боғлиқ ва бошқа турли мазмундаги масалаларни кўриб чиқишимиз, депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини янада жонлантириш устувор вазифамиз бўлмоғи керак.

Пола САИДОВА,
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ ўРИНБОСАРИ:



– Партиянинг ҳудудий Кенгаши фаоли сифатида, бугунги Пленум кун тартибида муҳокама қилинган масалалар, жумладан, 2025 йилга мўлжалланган режа ва мақсадларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Аввало, партия Сиёсий Кенгаши раисининг маърузасида илгари сурилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, белгилаб олинган вазифаларни аҳамиятли деб ҳисоблайман. Чунки бу режалар партиямиз электрорати манфаатлари, жойлардаги аҳоли эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, биз ҳудудий Кенгаш сифатида ҳар бир лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, партиямиз Сайловолди дастуридаги муҳим йўналишларни ҳаётга жорий этиш учун аниқ механизмлар ишлаб чиқишимиз лозим. Чунки “Бир ойда бир иш ўрни”, “Яшил макон” каби партия лойиҳалари жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш, экология, бандлик, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек мақсадларга хизмат қилади.

Таъкидланганидек, партиямизнинг барча даражадаги бўғинлари, шу жумладан, биз – ҳудудий Кенгашлар, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз, бошланғич партия ташкилотлари ва фаолларимиз бир йўналишда, биргалликда иш олиб борсак, келгуси йилда кўзланган вазифаларни муваффақиятли удралаймиз. Шунингдек, бевосита жойларда партия дастурий мақсадларини тарғиб этиш, аҳоли муносабатларини ҳал этиш, маҳалла ва корхоналарда ўрганишлар ўтказиш орқали партиямизнинг фаолиятини янада кучайтириш кўзланган натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Биз ҳудудларда ушбу режаларни ҳаётга самарали ва изчил татбиқ этиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, фаолларимиз сафини кенгайтириш, халқ билан мунтазам мулоқот қилиш ва партиявий жамоатчилик назоратини янада мустаҳкамлаш борасида барча саъй-ҳаракатларимизни йўналтирамиз. Шу орқали партиямиз “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” тамойилларини ҳаётга тўлақонли татбиқ этишига ишонаман.

Барча партиядошларимизни ушбу шарафли мақсадлар йўлида собиққадамлик билан иш олиб боришга чақираман. Биз партиямиз олдидан турган 2025 йилдаги мақсад ва вазифаларни муносиб равишда амалга ошириш йўлида астойдил ҳаракат қиламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ:



– Кун тартибидagi иккинчи масала – фракциямиз томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобида доир маъруза юзасидан шунинг айтмоқчиманки, аввало, партия фракцияси томонидан ҳисобот даврида “Адолат” СДП Сайловолди дастурида белгиланган ҳақ ва ташаббусларни амалга ошириш, жойларда халқимиз билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориш, парламент назорати механизмларидан унумли фойдаланиш йўналишларида сезиларли самараларга эришилди. Фракциямиз ташаббуси билан бир нечта муҳим қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларда мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларида аниқ ислохотлар назарда тутилди. Бу жараёнда партия электрорати манфаатларини ифода этиши, улар томонидан билдирилётган фикрлар ва таклифларни инобатга олиш устувор вазифамиз бўлди.

Шу билан бирга, депутатлик сўровлари ва парламент эшитувлари орқали аҳоли фаровонлиги учун муҳим бўлган масалаларни кўтардик. Қонунларимиз ҳаётимизда қандай ишлаётганини ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тегишли давлат идоралари ва мансабдор шахслардан аниқ чоралар кўришни талаб қилиш бўйича бир қатор аниқ ишлар амалга оширилди. Аҳоли билан олиб борилган мунтазам учрашувларимиз, партиямизнинг “Адолат – ҳар бир инсон учун”, “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” каби тамойилларини ҳаётга самарали татбиқ этишда муҳим ўрин тутди.

Албатта, ютуқларимиз билан бир қаторда, олдимизда турган вазифалар ҳам кўп. Жумладан, партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсадларга тўла эришиш учун қонунчилик ташаббусларимизни янада чуқурлаштириш, аҳоли билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва партия ичидagi ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз лозим. Шундай экан, 2024 йилда эришган натижаларимиз келгусида янада улкан режаларни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади, деб ишонаман.

Пленумда билдирилган барча таклиф ва тавсиялар фракциясини фаолиятини янада ривожлантиришда, албатта, инобатга олинади. Биз – партия фракцияси аъзолари, партиямиз электрорати ишончини оқлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш ва мамлакат тараққиётини янаи босқичга олиб чиқиш йўлида ҳамжиҳатликда хизмат қилиш учун бутун салоҳиятимизни сафарбар этишда давом этамиз.

Елена БОРИСОВА,
ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ:



– Партиямизнинг бугунги XV пленумида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид ишлар фракциямиз олдида салмоқли вазифалар қўймоқда.

Жумладан, партиямиз дастурида белгиланган муҳим йўналишлар, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб соҳаларга инновацион ёндашувларни жорий этиш ишлари фракциямиз диққат марказида бўлади. Фракциямиз аъзолари 2025 йилда бир неча муҳим қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, мавжуд қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, партия электрорати томонидан кўтарилаётган долзарб масалаларнинг парламент назорати доирасида ечимини топиш йўлида фаол иш олиб боради.

Шу билан бирга, партия фракцияси аъзолари сифатида жойларда сайловчилар билан яқин ҳамкорликни кучайтириш, аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, уларнинг муносабатларини ўрганиш ва аниқ механизмлар орқали ушбу саъй-ҳаракатларимиздан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик. Зеро, сайловчиларимизнинг партиямизга, бизга билдирган ишончини тўлақонли оқлашимиз зарур.

Пленумда қабул қилинган тавсиялар асосида режаларимизни янада аниқлаштириш, уларни самарали амалга ошириш механизмлари ҳамда ишларимиз натижадорлигини назорат қилиб бориш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқамиз. Бу жараёнда фракциямиз аъзоларининг партиямиз Сайловолди дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажариш ҳамда 2025 йилда олдимишда турган мақсадларни амалга ошириш борасида етарлича салоҳияти мавжуд.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

ЛОЙИҲАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛАДИ

1 Таъкидланганидек, баркамол авлоднинг шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Зеро, спорт соғлом халқ, соғлом авлоднинг таъини устундир. Давлатимиз томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, биргина сўнгги тўрт йилда бюджетдан спортга ажратилаётган маблағ 1,5 триллион сўмдан 3 триллион сўмга ошди. 101

та йирик спорт иншоотлари қурилди, 67 таси реконструкция қилинди.

Мунозаралар давомида депутатлар иқтидорли ёшларни топиш, олимпия спорт турларига тайёрлаш, уларни ва мураббийларни рағбатлантириш бўйича янги тизим йўлга қўйилишини алоҳида эътироф этиб, давлатимиз раҳбари бу борда илгари сурилган қатор ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

Йилнинг спортчиларини топиш, са-

ралаш ва тайёрлаш жараёнига рақамлаштиришни кенг жорий қилиш, адолатли таъминлаб, қобилиятли ёшларни юзага чиқариш бўйича бериладиган қўрсатмалардан келиб чиқиб, “Адолат” СДП унинг парламентдаги фракцияси олдидан турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг, депутатлар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ҳамда ижро иши юритиш



самарадорлигини янада оширишга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан фуқаролардан қарздорликларини унундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафо-

латланган даромаднинг ўрнатилиш, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорнинг хатланган мулкни бошланғич нархдан ўттиз фоизлик чегирма билан сотиш, шунингдек давлат ижрочилари томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланиш назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда инсон омилининг камайишига, мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштиришга, одил судлов самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, депутатлар қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

ДАВЛАТ ДАСТУРИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

Юртимиз келажакни яратувчи авлод

Мамлакатимизда ёшларга ҳамма вақт миллат ва юрт истиқболни белгилувчи катта куч сифатида қаралган. Юртимиз эртаси ва буюк келажакни уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир давлатнинг келажакни юксак билимли, салоҳиятли ёшларга боғлиқ.

Беҳзод ТҶУХТАМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Сўнги йилларда замонавий фикрлайдиган, профессионал тайёрликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ёшлар учун сифатли таълимни таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш ва бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, иқтидорли ва истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, ўтган қисқа даврда ёшларга оид 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари мустақамлаб кўйилгани Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътиборни янги босқичга кўтариш имконини берди.



Олий таълимда грант ўринларини босқичма-босқич ошириш ҳисобига аниқ ва табиий фанлар, муҳандислик-техника, хизматлар, тиббиёт каби соҳаларда давлат буюртмаси 25 мингтага етказилди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши таълим дастурлари асосида таълим олиш учун стипендия танловига 20 тагача квота ажратиб борилади. Республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) босқичма-босқич инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган камда биттадан умумтаълим мактаби фаолияти ташкил этилади. Буларнинг барчаси ёшларнинг сифатли таълим олиши ва имкониятларини тўлиқ рўйбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони билан тасдиқланган “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, таълим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун зарур шароитлар, қўлайликлар яратиш бўйича муҳим вазифалар ўрин олган.

Масалан, бу йилга мўлжалланган дастурда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида 3,5 миң камбағал оилалар фарзандларини тайёрлаб, олий таълим ташкилотларига белгиланган тартибда грант асосида қабул қилиниши ҳам асос бўлади. Бу шунча хондонга бахт, қувонч, шодлик олиб киргани, миң-миңлаб ёшларни фаолликка қўлга олишга имконият беради. Зеро, бунинг натижасида анча йиллардан бунён таълим олиш истағида юрган, лекин шартнома асосида ўқийдиган қурбонийларнинг қўллаб-қувватлаш ва таълим олишга имкониятларини таъминлаш, юқори даромад топиш имкониятларини кенгайтиришга қўмақлашиш вазифаси ҳам ўрин олган. Бу ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмақлашиш, ёшларнинг бизнес билан шугулланишига қўшимча имкониятлар яратиш орқали уларни янги иш ўринлари, яхши даромад манбаи билан таъминлашга туртки беради.

Халқ билан очик мулоқот қилиш, жойлардаги муаммоларга ижобий ечим топиш мақсадида ҳар оининг охириги ҳафтасида ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказилиши. Ёшлар, маҳалла фаоллари билан суҳбатлар жараёнида ўз бизнесини бошлаш, оиласи, маҳалласи ривожига ҳисса қўшиш ниятида юрган қўллаб-қувватлаш билан гаплашамиз. Улар тадбиркорлик фаолиятини бош-

лаш учун янги гоёлари борлигини, лекин маблаг масаласида қийинчиликларга дуч келётганини айтишади.

Давлат дастурида ана шундай ёшларимизнинг мақсадларини рўйбга чиқариш учун муҳим вазифалар белгилаб қўйилган эътиборга молик. Жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш дастурларининг ишлаб чиқиши, уларга субсидия, кредит, ер ажратиш ҳамда бундан ташқари жойлаштириш орқали бандлигини таъминлаш чоралари қўрилиши ёшларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси десам, асло янглишмаймиз.

Биламизки, қандай соҳа бўлишидан қатъи назар, унинг истиқболли ва ривожланишини замонавий технологияларсиз тасаввур этиш жуда мушкул. Айниқса, ҳудудларда ўз фаолиятини бошлаётган IT-парклар, иختисослаштирилган мактаблар ҳамда ўқув марказларининг ташкил этилиши аҳолининг турмуш тарзи ва фаровонлигини яхшилаш билан бирга, у ердаги маҳаллий ривожланиш даражасига ҳам ижобий таъсир қилади.

Шу нукта назардан, ёшларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, уларнинг ўз интеллектуал билимининг намоён қилиши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилади. Айниқса, ёшларнинг ахборот технологиялари, стартап гоёллар, компьютер саводхонлиги бўйича билимининг оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ахборот технологиялари соҳаси бугунги кунда энг юқори талабга эга ва устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Стартаплардан тортиб, энг йирик компанияларга яхши мутахассисга эҳтиёж сезади.

Ёшлар ўртасида соҳани янада амаллаштириш, хизматлар экспортини ошириш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини ташкил этиш ва унинг доирасида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талабига мос дастурлар асосида тайёрлаш орқали янги мутахассислар тайёрлаш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг глобал ахборот технологиялари бозорига рақобатбардошлигини оширади.

Давлат дастурида ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини ошириш, “Топ-500” талиққа кирган хорижий университетлар билан 12 та қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, республикадаги камда 1 та олий таълим муассасасини нуфузли халқаро рейтингларнинг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ҳам белгиланган.

Табиийки, қамрови даражасининг ошиши билан ёшларни ётоқхона билан таъминлаш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ушбу дастурий ҳужжатда 2025 йилда давлат хусусий шерикчилик лойиҳалари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан яратилган қўшимча ётоқ ўринларини сонини 8 000 тага етказиш мақсад қилинган. Бу, ўз навбатида, уларнинг сифатли таълим олишига, билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда янги фикрлайдиган кадрларни тайёрлашга замин яратади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг олий таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзгаришлари нафақат таълим тизимини, балки бутун жамиятни янги босқичга олиб чиқади. Инновацияларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни таълим билан таъминлаш ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун амалга ошириладиган барча ташаббуслар келажакда ўз самарасини беради. Демак, ҳар биримиз Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг ижросини сифатли ва самарали таъминлашда янада фаол, ташаббускор бўлишимиз лозим.

“Яшил иқтисодиёт” минтақанинг юксалишига хизмат қилади

Халқ билан ўтказилган очик мулоқотлар ҳамда жамоатчилик фикрлари натижалари асосида тайёрланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2025 йил – “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга ошириш бўйича Давлат дастурини қабул қилиш бўйича Президент фармони қабул қилинди.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси



Гулнораҳон Абдувоҳидова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси.

Эътиборли жиҳати, ушбу фармон лойиҳаси ҳам сўнги йилларда шаклланиган аниқдан келиб чиққан ҳолда январь ойида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокама жараёнида юрдошларимиз ҳамда маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан қўллаб-қувватлаш ҳаётий тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Ана шундан ҳам кўриш мумкинки, жорий йилги Давлат дастурида акс эттирилган барча вазифалар юрдошларимиз ҳаётига бевосита дахлдор масалалардир.

Хусусан, Давлат дастурида 2024 йил 18-20 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида белгиланган вазифаларнинг ижросини оғишмай таъминлаш, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисида Ҳақли конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими доирасида мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдида олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги “яшил ривожланиш” моделига ўтишга оид муҳим вазифалар белгиланган.

Жумладан, 2025 йилда аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўйбга чиқариш учун бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан:

- аҳолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни сиғдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракатини йўлга қўйиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш;
- “яшил транспорт”, шу жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш;
- пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайитириш;
- озиқ-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш;
- сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- чиқиндиларни турларига қараб саралашни йўлга қўйиш кабилар шулар жумласидандир.

Албатта, кундалик турмуш тарзимизда соғлом ҳаракатланиш ва соғлом овқатланиш режимига ўтиш, аввало, барчамизнинг ўз саломатлигимиз учун муҳим. Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтириш ҳамда рағбатлантириш бориш фуқароларимиз саломатлигини асрашда ўз ижобий самарасини беради. Бойси, аҳоли саломатлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўғриван тўғри таъсир этувчи асосий омиллардан бири саналади.

Шу билан бирга, дастурда аҳоли саломатлигини таъминлашда яна бир муҳим босқич – тиббиётнинг бирламчи бўлини босқичма-босқич трансформация қилишга қаратилган муҳим вазифалар ҳам белгилангандир.

Унга қўра, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктларида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг самарали тизимини жорий этиш, кўп тармоқли марказий поликлиникалар фаолиятини марказий шифохоналарнинг маслаҳат диагностика поликлиникаси сифатида йўлга қўйиш назарда тутилган.

Шунингдек, марказлашган лабораториялар ташкил этилиб, шифокор қабулига навбат тўлиқ электрон шаклга ўтказилади. Давлат томонидан санитария-гигиена нормаларига риоя этилиши устидан назорат қўйиририлган ҳолда стоматология хизмати аутсорсинг асосида хусусий секторга берилади. Тиббиёт ходимларининг малакаси оширилиб, меҳнат самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилади, самарадорликка эришган ходимларнинг ойлик маошларига қўшимча устама тўланади.

Бугун қўллаб соҳада бўлган каби тиббиёт соҳасида ҳам хусусий секторнинг улуши ортиб бормоқда. Шу боис, дастурда давлат тиббиёт муассасалари иш фаолиятини замонавийлаштириш орқали рақобатдошлигини оширишга қаратилган бундай амалий ҳаракатларнинг жорий этилиши келгусида фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини янада оширади.

Жумладан, дастур доирасидаги ишлар ижросини таъминлаш орқали йил якунига келиб, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 74,8 ёшга, ирсий касалликлар билан касалланган болаларни дори воситалари, тиббий буюмлар ва шифобахш озукалар билан таъминлаш 100 фоизга етказилади. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, диабет ҳамда юрак-қон томир касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш кўрсаткичининг ҳам 100 фоизга етказиш имконини беради.

Бугун аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, Давлат дастурида йил давомида умумий қуввати 4,5 ГВт бўлган йирик қувват ва шамол электр станциясини ишга тушириш, қуввати 785 мегаватт бўлган қўёш панелларини ўрнатилиш, қуввати 225 мегаватт бўлган гидроэлектр станцияларини барпо этиш орқали жами қайта тикланувчи энергия манбалари улушини электр энергияси ишлаб чиқаришда 26 фоизга ва жами генерация қувватлари таркибидидаги улушини эса 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Энергетика соҳасидаги бундай амалий ҳаракатлар Ўзбекистон ва Қозғистоннинг Марказий Осиёдан Европага электр энергияси етказиб бериш бўйича “яшил энергетика” йўлига қўшилиш борадидаги ташаббуслари учун ҳам дастлабки қадам ҳисобланади.


Ушбу вазифалар ижросидан кўриш мумкинки, жорий йилги Давлат дастури ва унда белгиланган вазифалар нафақат мамлакатимиз тараққиётини, қўлаверса, минтақанинг яшил иқтисодиёт йўналишида ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Умуман олганда, Давлат дастурида юқоридаги каби қўллаб-қувватлаш муҳим ташаббуслар илгари сурилган. Галдаги вазифамиз барчамиз бир тану бир жон бўлиб унинг ижросини таъминлашдир. Айниқса, бу жараён биз, депутатлардан катта масъулиятни талаб қилади.



Ўзбек тили ва адабиёти сертификатига эга бўлган педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади.

Ҳар бир ҳудудда техникумларда “дуал таълим” дастури жорий қилинади.



Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетиде “циркуляр иқтисодиёт” таълим йўналишида кадрлар тайёрлаш амалиёти ва ҳудудларда университетга бириктириладиган “яшил техникумлар” фаолияти йўлга қўйилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш



“Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилади.

Бунда:



аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, хусусан, тиббий маданиятни ошириш, соғлом овқатланиш, кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш;



сув, газ ва электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш;



“яшил транспортда”, шу жумладан, велосипедда ҳаракатланиш;



чиқиндиларни турларига қараб саралашни йўлга қўйиш рағбатлантирилади.



пластик маҳсулотлардан фойдаланишни камайитириш;



озиқ-овқат исрофгарчилигини олдини олиш;



Айни кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил этилганлигининг ўттиз йиллиги билан боғлиқ тантаналар Бухорода ҳам бўлиб ўтмоқда. Партиянинг халқ орасида танилувчанлиги учун қанчадан-қанча инсонлар хизмат қилишган. Шулардан бири Пўлатжон Шароповдир. У Бухоро вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган дастлабки депутатлардан бири ҳисобланади. Унинг депутатлик фаолияти нафақат Олий Мажлисида, балки Ўзбекистондаги сиёсий тизимни модернизация қилиш йўлидаги тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ.



ВОРИСЛИК АНЪАНАЛАРИ ДАВОМ ЭТАДИ



Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА, Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Пўлатжон Шаропов ўзининг депутатлик фаолиятини шундай ёдга олади: "Ушанда биринчи марта кўп партиявийлик, кўп мандатли сайлов ўтказилганди. Олдинги сайловлар бир партиявийлик ва бир мандатлик эди, бу жараён янги бўлганлиги сабабли халқ орасида муҳокамага қўйилди". Бу нафақат Пўлатжон Шароповнинг депутатлик фаолиятини, балки Ўзбекистондаги сиёсий трансформациянинг бошланишини ҳам акс эттиради.

90-йилларнинг ўрталарида, ўзгаришлар даврида, Ўзбекистон сиёсий тизимини бир партиявийликдан кўп партиявий тизимга ўтиш йўлида жуда катта ўзгаришларни бошдан кечирди. Бу Ўзбекистон тарихида янги босқични бошлади. Бундай тизим халқнинг сиёсий иштирокини оширди ва ўзгаришлар жараёнини очик ва эркин муҳокама қилиш имкониятини яратди. Халқнинг бу янгиликни илқ қарши олиши янги сиёсий эркинликка бўлган эҳтиёжнинг юзага чиқиши эди.

1995 йил 18-февралда Ўзбекистонда янги сиёсий партия ташкил топди. Бу партия "Адолат" номини олди ва унинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг кўп партиявийлик тизимида муҳим қадам бўлди. "Адолат" партияси, Ўзбекистондаги сиёсий жамиятда янги авлоднинг

озоми, адолатни, тенгликни ва демократик қадриятларни тарғиб қилувчи куч сифатида пайдо бўлди. "Адолат" партиясининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг ўша даврдаги сиёсий тарихида муҳим бир босқични ташкил этди. Бу сиёсий жараённинг амалга ошиши, давлат бошқарувининг кўп партиявий ва эркин сайлов тизимига кўчирилиши кўрсатди. "Адолат" партияси нафақат янги сиёсий кучни яратди, балки Ўзбекистондаги демократия ва эркинликларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Уша даврда Ўзбекистонда "Адолат" партиясининг ташкилий ту-

зилмаси кенгайди. Ҳар бир вилоят ва туманларда партиянинг кенгашлари ташкил этила бошлади. Бу кенгашлар партиянинг минтақавий даражадаги фаолиятини мустақамлади ва янги сиёсий тизимда партиянинг кенгроқ фаолият юритишига имкон яратди.

Бухоро вилоятида эса, "Адолат" партиясининг кенгаши илк бор Бухоро давлат тиббиёт институтида ташкил этилди. Кенгаш раиси сифатида Раҳмат Аҳмедов тайинланди, у партиянинг Бухоро вилоятидаги ишларини самарали бошқаришга ва янги сиёсий эркинликларни жорий этишга муносиб ҳисса қўшди.

"Адолат" партиясининг асосий электорати зиёлилардан иборат эди. Партия келажак авлодни тарбияладиган инсонларни қўлла-қувватлашга ва янги, адо-

латли жамиятни қуришга йўналтирилган эди. Зиёлилар, партиянинг асосий кучи сифатида, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ислохотларида фаол иштирок этишлари керак эди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонни ривожлантириш ва халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республика Олий Мажлисида янги қонунлар ишлаб чиқиши ва халқнинг сиёсий иштирокини, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўп ишлар қилиниши зарур эди. Ана шу жараёнда Пўлатжон Шаропов "Адолат" партиясининг вакили сифатида фаол иштирок этди.

– "Адолат" партиясининг ўша даврдаги асосий масалаларидан бири юртимизда мустақилликни мустақамлашга қаратилган эди. Бу борада партия вакиллари жонбозлик кўрсатдилар десам, хато бўлмайди. Йиллар давомида партия ўз номини оқлади, олдида қўйган мақсадларига эришди. Келгусида ҳам партия мамлакат ҳаётида кўп янгиликлар яратишига, сиёсий ҳаётда қашшоқлик қилишига ишонаман, – дейди Пўлатжон Шаропов.

Ҳақиқатан ҳам, партиянинг катта авлодлари бошлаб берган улғувор ишларнинг ворислик анъаналарини бугунги ёшлар давом эттиришлари аниқ. Партия босиб ўтган 30 йиллик тарих шундан гувоҳлик беради.



Муносабат

ЁШЛАР БУНЁДКОРЛИК, ТАДБИРКОРЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНДИЛАР

Бугун ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар уларнинг ўқиш-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фан, тараққиёт чўққиларини эгаллашга бўлган қизиқишларини янада оширмоқда. Ёшлар орасида китобхонликни ошириш учун янги кутубхоналар ташкил этилаётгани, танловлар ўтказилаётгани, уларнинг бўш вақтини ҳар томонлама мазмунли ташкил этиш учун жойларда тўғарақлар, технопарклар очилаётгани, ёш олимлар учун берилаётган турли имтиёзлар шулар жумласидандир.

Фарҳод ЖУМАНОВ, Чироқчи тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудури, "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят кенгаши фаоли

Президентимизнинг ёшлар билан учрашувида берган кўрсатмалари ҳам эртаммиз эгалари учун катта имкониятлар эшигини очди. Учрашувда ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш, уларга ўз салоҳиятларини намойён этишлари учун катта қўлайликлар яратиш масаласи муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари азму шижоатли ёшлар билан учрашиб турганлигидан мамнунлигини таъкидлади. Ёшлар тимсолида эртанги кунимизнинг бунёдкорларини кўраётганини таъкидлади. Бу эса мустақил мамлакатимизнинг ёшлари қалбини ифтихорга тўлдирди.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларда 1,5 мингдан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда. Беш йил олдин Сенат ва Қонунчилик палатасида Ёшлар парламенти ташкил этилган эди. У ерда ёшларимиз сиёсий етакчилик, демократия, парламентаризм мактаби қандай бўлишини ўрганишмоқда.

Шу кеча-кундузда ёшлар бандлигини таъминлаш долзарб вазифа эканлиги Президентимиз ҳам алоҳида урғу бериб ўтди. Дарвоқе, ҳар йили меҳнат бозорига 600 мингдан ортиқ ёшлар кириб келмоқда. 2030 йилга бориб эса бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етиши кўтилмоқда. Уларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш лозим. Бу давлат ва жамият зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

Мамлакатимизда ёшларни қўлла-қувватлаш борасида катта ишлар қилинди. Ўтган йили "Ёшлар дафтари" орқали 180 минг нафар ёшларга 345 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилган. Бугун вилоятимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этмоқда.

Айни кунларда қўшимча саноат корхоналарини очиб, тадбиркорликни кенгайтириш, ёшларга ер бериш борасида Чироқчида амалий ишлар бошланди. Мақсад барча ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдан иборат. Давлатимиз раҳбари учрашувда



ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Бундан кейин тадбиркор ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилади. Ҳозир олийгоҳларни битираётган 90 минг ёшлар иш топишда муаммога дуч келмоқда. Шу боис, олийгоҳ битирувчилари бандлигини таъминлаш учун Миллий банкга 100 миллион доллар ресурс берилади. Бундан ташқари, Алоқа банк ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи "Ёшлар банки"га айлантирилиб, унга 200 миллион доллар ажратилади. Энди Президентимиз топириғига асосан ўзини-ўзи банд қилган ёшлар лойиҳалари учун 100 миллион сўмгача имтиёзли микроқарз ажратилади. 20 нафар ёшни иш билан таъминлаган ёш тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади. Мамлакат миқёсида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 126 триллион сўмга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ёшларни ҳақиқий маънодаги келажак эгалари қилиб тарбиялаш учун мамлакатимизда улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларнинг натижаларини эса ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Тафаккур Кўрдимки, энг яхши дўст илм экан.
Шайх Нажмиддин КУБРО

Таълимдаги ислохотлар

ЖАСОРАТ МАКТАБИДА

маънан етук ва жисмонан соғлом ёшлар тарбияланади

Маълумки, республикадаги ҳар бир туман (шаҳар)да битта умумий ўрта таълим мактаби негизда 2025 ўқув йилидан бошлаб болаларни кичик ёшдан Ватанга садоқат руҳида маънан етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга йўналтирилган "Жасорат мактаби" фаолияти йўлга қўйилади.

Муҳиддин ОМАД, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Косонсий туманидаги Қорасув кишлоғида жойлашган 25-сонли умумтаълим мактаби ана шундай ҳарбий ўқув даргоҳига айлантирилаётгани

қувонарли ҳол, албатта. Чунки ҳарбий руҳда шаклланган болажонлар келажакда олий маълумот олиб, қайси касбни танлашларидан қатъий назар,

фикран ҳарбий бўлиб етишадилар.

Таълим ташкилотлари негизда ташкил этилган ушбу «Жасорат мактаби» Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бириктирилган. Бундан ташқари ушбу мактабда "Ёш гвардиячилар" синфи ҳам ташкил этилди.

Айни кунларда ушбу умумтаълим мактабига сафарбар этилган Миллий гвардиянинг Наманган вилоят бошқармаси инспектор-психологи лейтенант Омадбек Маҳмудов дарсдан сўнг ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича машғуллар олиб бормоқда. Ўқувчилар устозларидан



олди дастурида ёш авлод тарбияси юрт келажиги учун муҳим экани қайд этилган. Бунинг учун мунтазам равишда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини, истеъод ва қобилиятларга бўлган ҳурматини мунтазам шакллантириб бориш билан бирга биралиқда, уларни жисмонан чинқитириш ҳолда тарбиялашимиз ҳам зарур. Зеро ота-боболаримизнинг мардлиги ва жасоратидан гурурланиш туйғуси ёшларимиз қалбига синиб кетсин, – дейди мактаб директори, халқ депутати туман Кенгаши депутаты Нигора Қодирова. – Мактабимизда 58 нафар ўқитувчи фаолият юритиб, 740 нафар ўғил-қизлар таълим олмоқда. Айни пайтда ҳарбий либос кийган гвардиячи болажонларнинг беғубор қалбларида жасурлик уруғи ниш уриб, уларни ватан посбонидек ҳис эта бошлаганларини уларнинг чақнаб турган кўзларидан аңглаб олиш мумкин.

– Партияимизнинг Сайлов

